

**“INVEST FINANCE BANK” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНING
62 – СОҢЛИ БАЁННОМАСИ**

Тошкент шаҳри

05 март 2024 йил

Тўлиқ номи: “Invest Finance Bank” акциядорлик жамияти

Қискартирилган номи: “InFinBank” АЖ

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1- уй

Акциядорлар умумий йиғилиши тури: *Навбатдан ташқари умумий йиғилиши*

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишининг шакли:

Тегишли материалларни Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин акциядорларга юбориш. Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Банк Кенгашининг 2024 йил 12 февралдаги 19-сонли Баённома қарорига асосан чақирилган.

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши санаси: 2024 йил 05 март

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиш жойи:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т. Шевченко кўчаси, 1- уй

Умумий йиғилиш бошланиши вақти: соат 15:00

Умумий йиғилиш тугаган вақти: соат 16:30

Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга маълумот етказиш:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва молия вазирлиги Корпоратив ахборот ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган ҳамда 2024 йил 12 феврал санасига шакллантирилган банк акциядорлари реестри асосида уларга электрон почта манзилига билдиришнома юборилган.

Умумий йиғилишда катнашдилар:

Банк акциядорлари	Реквизитлар/паспорт маълумотлари	Акциядорлар эга бўлган овозлар сони	Акциядорларнинг шакллантирилган Банк устав капиталидаги улуши
Ҳаммаси, шу жумладан		638 565 716	100,00%
Жисмоний шахслар:		508 656 334	79,66%
Маматджанов Фарход Фахритдинович	ID карта AD 8888881, ПВ 36015 томонидан, 30.10.2023 йилда берилган.	453 673 989	71,05%
Ахмаджанов Азиз Нигмаджонович	ID карта AD 1924125, ПВ 26296 томонидан, 26.10.2022 йилда берилган.	31 939 686	5,00%
Абдусаматов Парвиз Махсудович	Паспорт АВ 0309427, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ИИБ томонидан	23 042 659	3,61%

	04.07.2015 йилда берилган.		
Юридик шахслар:		129 909 382	20,34%
“Prestij Rielt” МЧЖ	Директор – Юлдашев Илхам Рустамович (ID карта AD 5441644, ПIV 26296 томонидан, 16.12.2023 йилда берилган).	78 344 995	12,27%
“AZIA TRANS TERMINAL” МЧЖ	Бош директор – Кадиров Абдурашид Абдуваситович (ID карта AD 2771974, ПIV 26263 томонидан, 11.03.2023 йилда берилган).	51 564 387	8,08%

2024 йил 28 феврал ҳолатига тузилган Акциядорлар реестри маълумотларига кўра, “InFinBank” АЖ акциядорлари – овоз берувчи акциялар эгаларида мавжуд овозлар сони 638 565 716 овозни ташкил этади (битта акция – битта овоз).

Умумий йиғилишда қатнашаётган Акциядорлар – Банк овоз бериш акциялари эгалари ихтиёридаги овозларнинг умумий сони 638 565 716 донани ёки Банк овоз бериш акцияларининг 100,0%ини ташкил этади. **Йиғилиш кворуми – 100,00%.**

Банк акциядори ва Банк Кенгаши раиси **Ахмаджанов Азиз Нигмаджонович** маълум қилдики, “InFinBank” АЖ Уставига кўра, ушбу навбатдан ташқари Акциядорлар умумий йиғилиши ҳуқуқий кучга эга ва мазкур умумий йиғилиш натижаларига кўра, қабул қилинган барча қарорлар ҳақиқий деб ҳисобланади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш учун йиғилиш Раиси этиб, Банк акциядори ҳамда Кенгаш раиси **Ахмаджанов Азиз Нигмаджоновични**, йиғилиш Котиби этиб, **Раҳматуллаева Лола Уткировнани**, йиғилиш Раёсати таркибига Банк акциядори **Юлдашев Илхам Рустамович** ва **Маматджанов Фарход Фахритдиновични** сайлаш тўғрисида таклиф киритилди, ушбу таклифлар бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш Раиси:	Банк Кенгаш Раиси Ахмаджанов Азиз Нигмаджонович
Йиғилиш Раёсати:	Банк акциядорлари Маматджанов Фарход Фахритдинович Юлдашев Илхам Рустамович
Йиғилиш Котиби:	Корпоратив консултант Раҳматуллаева Лола Уткировна
Таклиф этилганлар:	Банк Кенгаши аъзолари Банк Бошқаруви аъзолари

КУН ТАРТИБИ:

1. Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
2. Банкнинг ўтган йиллар давомида шаклланган тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш;
3. Бош пудрат шартномага ўзгартиришлар киритишни кўриб чиқиш;
4. Банкнинг жойлашган ерини (почта манзили) ўзгартиришни куриб чиқиш;
5. Банк Уставига ўзгартиришлар киритиш.

Маълумотларни тақдим этиш, Кун тартиби бўйича таклиф ва шарҳларни йиғиш, шунингдек, Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишни ташкил этиш йиғилиш Раёсати ва Котиби томонидан таъминланди.

Акциядорларни рўйхатга олиш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш, шунингдек овозларни санаб чиқиш Санок комиссияси томонидан амалга оширилди.

Барча ташкилий масалалар кўриб чиқилганидан сўнг, кун тартибидаги масалалар муҳокамасига ўтилди.

1-масала. Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш юзасидан Йиғилиш раиси А.Н. Ахмаджанов сўзга чиқиб, йиғилиш иштирокчиларини умумий йиғилишни ўтказиш регламенти билан таништирди ва уни қуйидагича тасдиқлаш таклифини киритди:

- асосий масалалар ва маърузалар учун – 20 дақиқагача;
- қўшимча маърузалар, муҳокама ва савол-жавоблар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш натижаларини санаб чиқиш учун танаффус – 10 дақиқа.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

1. “Invest Finance Bank” Акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 20 дақиқагача;
- қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш якунларини ҳисоблаш учун танаффус – 10 дақиқа.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 638 565 716 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

2-масала. Ушбу масала бўйича Банк кенгаши раиси А.Н. Ахмаджанов сўзга чиқиб, Бухгалтерия маълумотларига кўра Банкнинг ўтган йиллар давомида шаклланган тақсимланмаган фойдаси 493 166 037 838,42 сўмни ташкил қилишини маълум қилди ва мажлис қатнашчиларига Банк акциядорларининг умумий йиғилишига ўтган йиллар давомида шаклланган тақсимланмаган фойдани қуйидагича тақсимлаш бўйича тавсия беришни таклиф этди:

- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан 55 500 000 000 сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтириш;

- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан 437 666 037 838,42 сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдириш.

- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан Банкнинг ҳар бир жойлашган оддий акциясига 86,91 (саксон олти сўм тўқсон бир) тийиндан дивиденд тўлаб бериш:

- дивидендларни пул маблағлари билан Банк Устави ва қонунчиликда белгиланган шакл ва муддатда тўлаб бериш;

- дивидендларни тўлашни бошлаш санасини 2024 йил 05 март этиб белгилаш;
- дивидендларни тўлашни тугатиш санасини 2024 йил 03 май этиб белгилаш.
- Банк акциядорлари чиқариладиган акцияларга тўловларни уларга тўланадиган дивидендлар ҳисобидан амалга ошириш ҳуқуқига эга этиб белгилаш.

Раислик қилувчи кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра, тегишли қарорлар қабул қилишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

2. Банкнинг ўтган йиллар давомида шаклланган тақсимланмаган фойдаси 493 166 037 838,42 сўмни Банк акциядорларининг умумий йиғилишига қуйидагича тақсимлансин:

- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан 55 500 000 000 сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтирилсин;

- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан 437 666 037 838,42 сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдирилсин.

- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан Банкнинг ҳар бир жойлашган оддий акциясига 86,91 (саксон олти сўм тўқсон бир) тийиндан дивиденд тўлаб берилсин;

- дивидендларни пул маблағлари билан Банк Устави ва қонунчиликда белгиланган шакл ва муддатда тўлаб берилсин;

- дивидендларни тўлашни бошлаш санасини 2024 йил 05 март этиб белгилансин;

- дивидендларни тўлашни тугатиш санасини 2024 йил 03 май этиб белгилансин.

Банк акциядорлари чиқариладиган акцияларга тўловларни уларга тўланадиган дивидендлар ҳисобидан амалга ошириш ҳуқуқига эга этиб белгилансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 638 565 716 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

3-масала. Кун тартибидаги учинчи масала бўйича Йиғилиш раиси А.Н. Ахмаджанов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Акциядорлар умумий йиғилишининг 28.06.2022 йилдаги 54-сонли баённомаси қарорига асосан, Тошкент шаҳар, М. Улуғбек тумани, Мустақиллик кўчаси, 17-б-уй манзилида жойлашган бинони реконструкция қилиш жараёнида қурилиш ишларини бажариш билан боғлиқ ишларни зарурияти мавжудлиги ҳамда юқоридаги ишларни бажариш учун “AYSEL INSHAAT” МЧЖ ҚҚ ва “InFinBank” АЖ ўртасида қиймати 131 066 431 882,00 (шу жумладан 15% ҚҚСни ташкил этган) сўм белгиланган бўлиб, 48-сонли пудрат шартномаси тузилганлигини айтиб ўтди.

Буюртмачининг талабларини ҳисобга олган ҳолда қурилиш ишларини тўлиқ ва сифатли бажариш учун иш ҳажмини ошириш ва материаллар номенклатурасини қайта кўриб чиқиш зарурияти борлиги таъкидлаб ўтди.

Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан 48-сонли пудрат шартноманинг қиймати 131 066 431 882,00 ((шу жумладан 15% ҚҚСни ташкил этган) ва 127 646 331 542,00 (жумладан 12% ҚҚС) сўмга тенг келади) сўмга тасдиқланганлигини ҳисобга олган ҳолда ва бугунги кунда ушбу шартноманинг умумий қиймати дастлаб тасдиқланган қийматдан 13 598 086 045,00 сўмга ошиб, жами 141 244 361 461,00 (шу жумладан 12% ҚҚСни ташкил этади) сўмни ташкил этишини инобатга олган ҳолда, ушбу масала Акциядорларнинг умумий йиғилишига муҳокамасига киритилган.

Раислик қилувчи кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра, тегишли қарорлар қабул қилишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

3. Тошкент шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 17-б уй манзилидаги бино бўйича пудрат ишларини бажариш юзасидан “AYSEL INSHAAT” МЧДК ҚК ва “InFinBank” АЖ билан тузилган шартномасига ўзгартиришлар киритиш орқали шартнома суммасини 141 244 361 461 ,00 (шу жумладан 12% ҚҚСни ташиқил этади) сўмга етказилиши маъқуллансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 638 565 716 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

4-масала. Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича Йиғилиш раиси А.Н. Ахмаджанов сўзга чиқиб, Банкка тегишли бўлган бинода қурилиш-монтаж ишлари якунланиши муносабати билан Банкнинг жойлашган ери (почта манзили) ўзгартиришга эҳтиёж борлиги таъқидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 30.06.2020 йилдаги 3252-сонли “Банк фаолиятига рухсат бериш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомига асосан банкнинг жойлашган ерини (почта манзилини) ўзгартириш тўғрисида банкнинг ваколатли бошқарув органининг асосланган қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Банк Кенгаши раиси А.Н. Ахмаджанов Банк Кенгаш аъзоларига Банкнинг жойлашган ерини (почта манзилини) 100029, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Т. Шевченко кучаси, 1-уй манзилидан, 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек, Мустақиллик МФЙ, Мустақиллик шох кўчаси, 17-б уй манзилига ўзгартиришни кўриб чиқишни ва овозга қўйишни таклиф қилди.

Шундан сўнг, Раислик қилувчи кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра, тегишли қарорлар қабул қилишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

4. “InFinBank” АЖ жойлашган ерини (почта манзилини) Тошкент шаҳар, 100029, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Т. Шевченко кучаси, 1-уй манзилидан, 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек, Мустақиллик МФЙ, Мустақиллик шох кўчаси, 17-б уй манзилига ўзгартириш маъқуллансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 638 565 716 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

5-масала. Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича Йиғилиш раиси А.Н. Ахмаджанов сўзга чиқиб, Банк Уставига Банк манзили ўзгариши билан боғлиқ ўзгартириш киритиш лозим эканини ва мажлис иштирокчиларини “InFinBank” АЖ Уставига киритилган ўзгартиришлар матни билан 1-иловага мувофиқ таништирди.

Банкнинг Уставига киритилган ўзгартиришлар амалдаги қонунчилик асосида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига киритилган ўзгартиришлар, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонунининг янги таҳрири, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2020 йил 30 июнда 3254-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқлаштирилган.

Раислик қилувчи кун тартибидаги ушбу масала бўйича овоз беришни ҳамда овоз бериш натижаларига кўра, тегишли қарорлар қабул қилишни таклиф қилди.

Муҳокамадан сўнг овоз бериш учун қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

5. “Invest Finance Bank” акциядорлик жамияти Уставига киритилган ўзгартиришлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Овоз бериш натижалари:

Рози – 638 565 716 та овоз (100%),

Қарши – йўқ,

Бетараф – йўқ.

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР:

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:

1. “InFinBank” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

- асосий масалалар бўйича маърузачиларнинг чиқишларига – 20 дақиқагача;
- қўшимча чиқишлар, эътироз ва музокаралар учун – 5 дақиқагача;
- овоз бериш яқунларини ҳисоблаш учун танаффус – 10 дақиқа.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:

2. Банкнинг ўтган йиллар давомида шаклланган тақсимланмаган фойдаси 493 166 037 838,42 сўмни Банк акциядорларининг умумий йиғилишига қуйидагича тақсимлансин:

- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан 55 500 000 000 сўмни дивиденд тўлаш учун йўналтирилсин;

- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан 437 666 037 838,42 сўмни акциядорлар томонидан тегишли қарор қабул қилингунига қадар тақсимланмасдан қолдирилсин.

- ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан Банкнинг ҳар бир жойлашган оддий акциясига 86,91 (саксон олти сўм тўқсон бир) тийиндан дивиденд тўлаб берилсин:

- дивидендларни пул маблағлари билан Банк Устави ва қонунчиликда белгиланган шакл ва муддатда тўлаб берилсин;

- дивидендларни тўлашни бошлаш санасини 2024 йил 05 март этиб белгилансин;

- дивидендларни тўлашни тугатиш санасини 2024 йил 03 май этиб белгилансин.

Банк акциядорлари чиқариладиган акцияларга тўловларни уларга тўланадиган дивидендлар ҳисобидан амалга ошириш ҳуқуқига эга этиб белгилансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:

3. Тошкент шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 17-б уй манзилидаги бино бўйича пудрат ишларини бажариш юзасидан “AYSEL INSHAAT” МЧЖ ҚК ва “InFinBank” АЖ билан тузилган шартномасига ўзгартиришлар киритиш орқали шартнома суммасини 141 244 361 461 ,00 (шу жумладан 12% ҚҚСни ташкил этади) сўмга етказилиши маъқуллансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:

4. “InFinBank” АЖ жойлашган ерини (почта манзилини) Тошкент шаҳар, 100029, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Т. Шевченко кучаси, 1-уй манзилидан, 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек, Мустақиллик МФЙ, Мустақиллик шох кўчаси, 17-б уй манзилига ўзгартириш маъқуллансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:

5. “Invest Finance Bank” акциядорлик жамияти Уставига киритилган ўзгартиришлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўз ишини якунлади ва ёпиқ деб эълон қилинди.

Баённома тузилган сана “11” март 2024 йил.

Йиғилиш раиси

А.Н. Ахмаджанов

Йиғилиш котиби

Л.У. Рахматуллаева